

# ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК АСПЕКТДА ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ “ТҮЙ МАРОСИМИ” КОНЦЕПТИНИНГ ИЗОМОРФИК ВА АЛЛОМОРФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Амирова Зарнигор Шерали кизи**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факултети

2-курс талабаси

[amirovazarnigor.869@gmail.com](mailto:amirovazarnigor.869@gmail.com)

**Ўсаров Иброҳимжон Курпашевич**

ЎзМУ, Хорижий тил ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент

## Аннотация:

Тил ва маданиятнинг кесишувидан хосил буладиган, лингвомаданий концепт тушунчасини, унинг ядро ва перифериялари ва яна бир қатор турли миллат вакилларининг маданий унсурлари тил воситасида намоён бўлувчи қирраларни ўрганиш, уларни таҳлил этиш билан шуғулланиш бугунги кун тишлинос олимларининг олдида турган улкан вазифалардан еканлигини инобатга олган ҳолда ушбу мақолада тўй маросимлари концептининг ўзаро синтагматик муносабатдаги уч тил, яни ўзбек, инглиз ва рус тилларида лингвокултурологик жиҳатдан таърифи ҳамда ўзаро изоморфик ва алломорфик хусусиятларини атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қиласиз.

## Калит сўзлар:

лингвокултурология, лингвокултуре ма, концепт тушунчаси, маданият концепти, тўй, миллий урф-одатлар, универсал, уникал ва рецессив

## THE ISOMORPHIC AND ALLOMORPHIC FEATURES OF THE CONCEPT OF “WEDDING TRADITION” OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK IN LINGUOCULTUROLOGICAL ASPECT

**Amirova Zarnigor Sheralli Kizi**

Mirzo Ulugbek nomidagi Uzbek Milliy University and Khorizhiy Philology Faculty 2-course

Talabasi Email:[amirovazarnigor.869@gmail.com](mailto:amirovazarnigor.869@gmail.com)

**Ўсаров Иброҳимжон Курпашевич**

UzMU, Khorizhiy til va adabiyoti department of mudiri, philology fanlari nomzodi, associate professor

## Annotation:

Teal Island madaniyatning kesishuvidan hosil buladigan, lingvomadany concept tushunchasini, uning core va periferiyalari va yana bir қатор Turlov Millat vakillarining Madani unsurlari til vositasida namooon bўluvchi қirralarni ўрганиш, ularni taxlil etish Bilan shufullanish bugungi kun tilshunos olimlarining oldida turgan ulkan vazifalardan ekanligini inobatga OLGA ҳолда Ushba maқolada t mary marosimlari concepting ўзаро syntagmatic munosabatdagi took into account, yani ўзбек, ingliz va rus tillarida linguoculturologist jihatdan ta'rifi daamda ўзаро isomorphic wa allomorphic hususiyatlarini xbatbatdagi.

## Kalit sўzlar:

Linguoculturology, lingvoculturema, tushunchasi concept, madaniyat concept, ty, milli urf-odatlar, universal, unique va recessive

## Кириш

Глобаллашув жараёнлари туфайли жадал ривожланаётган бугунги күн дунёсида ҳар бир халк, миллат ва елатларнинг азалдан қўлланиб, сайқал топиб келаётган миллий ва анъанавий урф-одатларига, маросимлари, қадрият ва миллий байрамларига, уз навбатида, уларнинг маълум даражада ривожланиб, бошқа миллат вакиллари орасида ҳам ўз ўрнини топишига бевосита хизмат қилаётган миллий тилнинг ҳар томонлама ўрганилиши, равнақ топишига булган ётиборни кучайтириш долзарб масаладардан бири бўлиб қолмокда. Шу ўринда, бугунги күн замонавий тилшунослигининг, хусусан, екстравалингвистиканинг янги юналишларидан бири сифатида ўрганиладиган **лингвокультурология** ёхуд **лингвомаданиятшунослик** фанининг атрофлича тадқиқ етилиши тилшунос олимларнинг ўз олдига қўйган юксак вазифаларидан бўлиб қолмода.

Тадқиқотчиларнинг қайд етишича, лингвокультурология фани тилшуносликнинг мустакил юналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келган бўлиб, “Лингвокультурология” (лот. лингва— “тил”, култус— “хурмат қилиш, таъзим қилиш”) термини В.Н. Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби ( Й.С. Степанов, В.В. Воробьев, В. Шакlein, В.А. Маслова) томонидан олиб борилган изланишлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган.<sup>1</sup> В.Н.Телия фикрига кўра, “Лингвокультурология инсон омилига, аникрофи, инсондаги маданият омилига юналтирилган. Лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фанинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса еканлигидан далолат беради.”<sup>2</sup>

Умуман олганда, лингвокультурология маҳсус фан соҳаси сифатида замонавий тилшуносликда **лингвокультурема, маданият тили, маданий матн, маданият концепти, субмаданият, лингвомаданий парадигма, маданий универсалия, маданий салоҳият, маданий мерос ва маданий анъаналар** каби бир қанча сермаҳсул тушунчаларни келтириб чиқарди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда лингвокультурологияда муҳим омил ҳисобланган “**концепт**”нинг ўрганилиши бўйича кўплаб илмий-назарий ишлар амалга оширилди ва шу кунгача кўплаб олимлар томонидан концепт тушунчасига тартиблар келтириб ўтилди. Жумладан, В.Н.Телия концепт тушунчасига қуидагича тартиф берилади: “Концепт – бу тафаккурнинг этник ўзига хослиги ифодасидир, унинг вербаллашуви эса концептуал тизим егасининг лингвоционал жиҳатдан этник-маданий юналишда белгиланган бирлаштирувчи хусусияти билан боғлиқ. ”<sup>3</sup> Бошқача айтганда, концепт шахс омилиниң дунёга нисбатан маданий асосланган нуқтаи назарини акс еттиради. Маданий тадқиқотлар доирасида концепция “миллий анъана ва фольклор, дин ва мафкура, ҳаёт тажрибаси ва санъат тасвирлари, қадр-қиймат, перцепция каби омилларнинг ўзаро тасвири натижасида” деб изоҳланади (Н.Д.Арутюнова<sup>4</sup>).

Юқоридаги фикрларга қўшимча қўлган ҳолда, айтишимиз мумкинки, концепт атамаси когнитив лингвистика ҳамда лингвокультурология нуқтайи назаридан ўзаро чамбарчас ҳолда тил ва маданиятнинг шахс онггида уйғун тарзда намоён бўлишидир.

## Туй маросими концепти

Лингвокультурологик феномен сифатида “**маросим**” семантик майдонининг муҳим таркиби қисми бўлган “**тўй**”/ “**свадьба**”/ “**wedding**” концепти ҳар учала миллат маданий

<sup>1</sup> Крёбер А., К.Клакхон. Теория патернов культуры. “Наука”, 2001, 175-стр.

<sup>2</sup> Телия В.Н. Концепт “товарищ”: камо грядеш? (социолингвистические перепутья). Семиотика. Лингвистика. Поэтика. К столетию со дня рождения А.А.Реформатского. М.,2005,124-стр.

<sup>3</sup> Фесенко Т.А. Концептуальные системы как контекст употребления и понимания вербальных выражений. – Рязань, 2000. Стр.141-144.

<sup>4</sup> Арутюнова Н.Д. О движении, заблуждении, восхождении. М.: Индрик, 2003. Стр.7

меросининг ёрқин намояндаси, урф-одат, қадрият ва миллий анъаналарининг шахс воситасида ўз ифодасини топувчи тил ва маданият орқали вербаллашуви десак муболаға бўлмайди.

Ўзбек тилида “тўй” концептини луғавий жиҳатдан шарҳлайдиган бўлсак, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981<sup>5</sup>)да унга шундай таъриф берилади: “Тўй 1. кўпинча базмомошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган маълум маросимларнинг умумий номи; (“Ха! кўзим очиқлигида қизимнинг тўйини кўрай деб ўзимни ўйлабман-у, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйламабман.”(А.Қаҳҳор. Оғриқ тишлар)) 2. Кудалар(томонлар) ўртасидаги келишувга мувофиқ куёв томондан киз томонга бериладиган пул, сарпо-суруқ, масаллик ва шу кабилар мажмуи; шу нарсалар юборилиши муносабати билан куёв хонадонида, келиши муносабати билан келин хонадонида ўтказиладиган маросим. (“—Мулла Абдушукур, эртага ожизамизга тўй келади, марҳмат қилинг, дурустми?”(Ойбек, Кутлуг қон.)).” Бундан ташқари, тўй концепти ўз атофида **никоҳ тўйи, наҳорги ош, хатна ёки суннат тўйи, бешик тўйи, тўй қилмоқ, тўй бермоқ, тўйбоши** каби бир қатор субтушунчаларни тўплайди.

Ўзбек халқининг урф-одатлари орасида никоҳ тўйи билан боғлиқ ички маросимлар талайгина бўлиб, бу кичик маросимлар ўтказилиш муддати асосида тўйдан олдинги, тўй кунидаги ва тўйдан кейинги каби гурухларга бўлиб ўрганилади. **Бешиккери, унаштирув, қалинпули, фотиха; қиз базми, наҳорги ош, куёв навкар, куёв оши; келин салом, чаллари, қовурдоқ, бешик тўйи** кабилар шулар жумласидандир.

Россиядаги тўй маросими ҳам бошқа миллатлардаги сингари оиласида энг муҳим маросимлардан бири ҳисобланади. Тўй маросими кўплаб элементлардан иборат бўлиб, улар орасидан маросим кўшиклари, эҳтиромлар, келиннинг, дўстларнинг ва бошқа иштирокчиларнинг мажбурий маросим тадбирлари ўрин олган.

Бунда рус тилидаги “свадьба” тушунчаси қўйидагича изоҳланади: “Брачный обряд; празднество по случаю вступления в брак; справить свадьбу. (Здесь Иисус приходит на большую свадьбу и совершаet свое первое чудо.)”<sup>6</sup>, яъни “Никоҳ маросими; никоҳ муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналари; тўйни нишонлаш.”

Қиёсланаётган учинчи тилимизда “wedding” лингвомаданий концептига қўйидагича изоҳ берилади: “a marriage ceremony and any celebrations such as a meal or a party that follow it”<sup>7</sup>(“никоҳ маросими ҳамда таом ёки зиёфат каби унга эргашиб келувчи ҳар қандай байрам тантанаси”). Айтиш жоизки, инглиз тўйлари ҳам бошқа миллатларники сингари бир неча анъанавий маросимлар(**engagement, banns, wedding banquet, wedding train, wedding songs and etc.**)дан ташкил топади.

Эътиборлиси шундаки, рус лингвистик маданиятида никоҳ маросимининг икки асосий қисми – “ФХДЁда рўйхатдан ўтиш”(“ЗАГС”) ҳамда “Черковдаги тўй маросими”(“венчание”)ни фарқлайдиган бўлсак, инглиз маданиятида эса тўй семантик гурухининг асосий компонентлари таомланиш вақти билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган: “**wedding breakfast**”/“**тўй нонуштаси**”, “**wedding dinner**”/“**никоҳ тушлиги**” ва ҳ.к. Ўзбек тўйининг асоси ҳисобланмиш “**наҳорги ош**” бу жиҳатдан инглизларнинг “**wedding breakfast**”га яқин турса-да, ҳар иккаласининг ўзига хос миллий уникумларни мавжуд.

Кўриниб турибдики, қиёсланаётган ҳар учала тилда ҳам тўй концепти ўзининг умумий ва ўхшаш таърифига эга. Бундан ташқари, тўй семантик майдонининг кичик таркибий қисмлари орасида ҳам ўзаро изоморфик ва алломорфик хусусиятдаги универсал, уникал ҳамда рецессив белгилар фарқланади. Хусусан, **никоҳ тўйи /wedding /свадьба; совчилик/matchmaking/ сватовство; келин-куёв/ невеста и грум /bride and groom** ва шу кабилар учала тилдаги универсалияларга мисол бўлса-да, улар остида тушуниладиган маъно муносабати фарқ қилиши мумкин.

<sup>5</sup> “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”(З.М.Марьупов таҳрири остида). Москва. “Рус тили” нашриёти, 1981. II том, стр.243-244.

<sup>6</sup> [portal@gramota.ru/словары](http://portal@gramota.ru/словары) Большой толковый словарь русского языка. 2014.

<sup>7</sup> [www.cambridge.org](http://www.cambridge.org). Cambridge dictionary

Шунингдек, юқоридагилардан фақат бир тилгагина хос лингвокултуре малар ҳам мавжуд бўлиб, инглиз маданиятидаги “**a rehearsal of ceremony**” ва “**a rehearsal dinner**”(яъни бунда тўйдан олдин тантанага худди уни утказаётгандек репитиция қилинади) субтушунчаларини мисол қилиш мумкин. Ўзбек ва рус маданиятида ҳам тўйдан олдин тайёргарлик кўрилади, шунга қарамай ҳар иккала тилда буни ифода этувчи алоҳида лингвокултуре мағжуд эмас. Шу боис, бу каби бирликлар уникалиялар ҳисобланади.

Бундан ташқари, фақат бир тил оиласига мансуб тилларда намоён бўлувчи рецессив лингвомаданий тушунчалар тўй концепти субгурухида ҳам мавжуд бўлиб, бунга туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек тили лингвистик маданиятидаги “**суннат ёхуд ҳатна тўйи**”ни мисол келтиришимиз мумкин. Маълумки, бир-бирига қондош бўлган туркийзабон ҳамда исломий давлатларда ушбу маросим узок даврлик анъана сифатида қадралнади.

### **Хулоса**

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тўй маросимлари концептини қиёсий ўрганиш жараёнида бир қатор изоморфик ва алломорфик хусусиятлар, янада аниқроқ қилиб айтганда, ўзаро универсал, уникал ҳамда рецессив муносабатдаги лингвокултуре малар атрофлича таҳлил этилди. Келгуси ишларимизда ҳам айнан шу юналиш устида таҳлиллар олиб боришга ва айни концепт субгурухларини янада батафсил ва ёрқинроқ очиб беришга ҳаракат қиласиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Крёбер А., К.Клакхон. Теория патернов культуры. “Наука”, 2001, стр.175.
2. Телия В.Н. Концепт “товарищ”: камо грядеши? (социолингвистические перепутья). Семиотика. Лингвистика. Поэтика. К столетию со дня рождения А.А.Реформатского. М.,2005,124-стр.
3. Фесенко Т.А. Концептуальные системы как контекст употребления и понимания вербальных выражений. – Рязань, 2000. Стр.141-144.
4. Арутюнова Н.Д. О движении, заблуждении, восхождении. М.: Индрик, 2003. Стр.7
5. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”(З.М.Марьуров таҳрири остида). Москва. “Рус тили” нашриёти, 1981. II том, стр.243-244.
6. portal@gramota.ru/словары Большой толковый словарь русского языка. 2014.
7. www.cambridge.org. Cambridge dictionary